

**МАВЗУ: ЕР ҚАЪРИДАН  
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН  
СОЛИҚ**

## РЕЖА:

1. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг жорий этилиши ва бюджет даромадларидаги ўрни.
2. Солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва базаси.
3. Солиқ ставкалари ва солиқни ҳисоблаб чиқариш.
4. Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва тўлаш тартиби.

## Ресурс солиқларининг жорий этилиши

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдида доимо муаммолар мавжуд бўлган. Айрим муаммоларнинг пайдо бўлишига инсониятнинг ўзи сабабчи бўлган бўлса, уларнинг баъзилари табиат ва жамият ўртасидаги номутаносиблик натижасида юзага келган. Айнан шундай муаммоларнинг асосийларидан бири ер куррасидаги мавжуд табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишдир.

## Ресурс солиқларининг жорий этилиши

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги кишилик жамияти ривожланишининг ҳар бир даврида мавжуд бўлган бўлса-да, ҳеч бир даврда ҳозирги пайтдагичалик долзарб бўлмаган ва бу жараён жамият тараққиётининг ривожланиш тенденциясига мувофиқ тарзда кучайиб бормоқда.

## Ресурс солиқларининг жорий этилиши

Табиий ресурслар кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида ишлаб чиқариш омилларининг муҳим кўриниши сифатида у ёки бу шаклда истеъмол қилиниб келинади.

Табиий ресурслар табиат элементлари бўлиб, жамият истеъмоли учун фойдаланиладиган табиий муҳитнинг муҳим таркибий қисми ва табиий шарт-шароитларнинг ялпи йиғиндисини ифодалайди.

*“Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар...миллий бойлик бўлиб, одамлар фаравонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қилади”.*

***И.А.Каримов***

*“Ҳеч шубҳасиз, эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида, авваламбор, барча-барча муаммолар қаторида муҳим бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишга бизни бутун ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда. Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда. Гап, биринчи галда, табиатнинг бебаҳо неъматини халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин экиладиган ерлардан, сугориш ва ичимлик сувидан, ёқилги-энергетика, минерал-ҳомашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва асраб-авайлаб фойдаланиш ҳақида бормоқда”.*

***И.А.Каримов***

Табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, улар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилганидек: «**Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир**».

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 55-модда*



## Ер ости бойликлари

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамиз ҳудудидаги барча табиий, ер ости бойликлари давлатимиз тасарруфига ўтди. Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом-ашё ресурслари тўпланган. Ўзбекистонда **95** турдаги минерал хом-ашёни ўзида мужассам этган **2700** та кон аниқланган.

Амалда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар республикамизда мавжуд. Мамлакатнинг умумий хом-ашё салоҳиёти **3,3** триллион **АҚШ** доллари миқдорида баҳоланмоқда. Мавжуд конлардан ҳар йили **5,5** млрд. **АҚШ** долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда.

## Ресурс тўловлари турлари

Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган муҳим восита - бу давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ турли хил тўловлардир. Жаҳон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини *бонуслар, ренталс, роялти ва солиқлар* ташкил этади.

**Бонуслар** – бир марталик тўлов бўлиб, давлат учун солиқлар каби унчалик муҳим молиявий ресурс бўлмасада, давлат бюджети даромадларини оширишнинг зарур элементларидан бири ҳисобланади.

Бонуслар ҳажми ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги билан белгиланиб, улар табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича келишувлар предмети ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар табиий ресурслардан фойдаланиши жараёнида бонуслар тўлайди. Республикамиз қонунчилигига мувофиқ, бонуслар – бу битим тузилган вақтда ёки муайян натижага эришилгач битим шартларига мувофиқ белгиланган бир марталик тўловлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда ер қаридан фойдаланувчилар икки хил бонусни тўлайдилар. Булар **имзоли бонус** ҳамда **тижоратбоп топилма бонуси**.

**Ренталс** - табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг иккинчи кўриниши ҳисобланиб, давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича шартнома тузиш вақтида ундириладиган тўлов ҳисобланади.

Ренталс келишув даври давомида ёки қазиб олиш бошланишидан аввал ундирилади.

**Роялти** табиий ресурслардан фойдаланувчининг ялпи даромадидан фоиз кўринишида ундирилиб, давлат томонидан табиий ресурсларнинг эгаси сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қатъий улуши ўзлаштирилади.

Республикамиз қонунчилигига мувофиқ, **роялти** – бу минерал хом-ашёни қазиб олиш ҳажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоиз ҳисобида битим шартларига мувофиқ белгиланган ва инвестор томонидан пул шаклида ёки қазиб олинган минерал хом-ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган мунтазам тўловлардир.

## Ресурс солиқларининг жорий этилиши

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг жорий этилиши табиатдан фойдаланишни иқтисодий тартибга солиш, турли хил табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш учун пул фондларини шакллантириш каби мақсадларни кўзлайди.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг муҳим кўриниши, улардан фойдаланиш билан боғлиқ мақсад учун жорий этилган солиқлардир. Улар *ердан, сув объектларидан, ер ости бойликларидан фойдаланиш* ва уларни муҳофаза қилиш самарасини оширишга, минерал-хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва улардан оқилона фойдаланишга ижобий таъсир этишга қаратилади.

## Ресурс солиқларининг вазифалари

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларнинг асосий мақсади давлатнинг ўз табиий ресурсларидан фойдаланувчилардан даромад олиш, иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш ва табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш механизмини ташкил этиш ҳисобланади.



## Солиқнинг жорий этилиши

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги қонунига мувофиқ **1995 йил 1 январдан** эътиборан *ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ* жорий этилди ва ер ости бойликларидан фойдаланувчилар уларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда махсус солиқ тўлай бошладилар.

Табиий ресурс солиқларининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндошганда, уларни жорий этишдан мақсад табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш.

Шунингдек, давлат бюджетига молиявий ресурслар жалб этиш, бу жараёнда биринчи навбатда, бюджетдан табиий ресурсларни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва улар сифат ҳолатини яхшилашга қаратилган харажатларни молиялаштиришдан иборатдир.

Солиқ кодексига кўра ер қаъридан  
фойдаланганлик учун солиқ  
**умумдавлат солиқлари** таркибига  
киради.

Ушбу солиқ табиий бойликлардан  
фойдаланишнинг самарадорлигини  
таъминлаш билан бирга **соф фискал**  
вазифани ҳам бажаради.

## Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида ресурс тўловлари салмоғи динамикаси

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2011 йил</b>	<b>2012 йил</b>	<b>2013 йил</b>	<b>2014 йил (режа)</b>
Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами	100	100	100	100
Ресурс тўловлари	11,3	10,2	11,7	11,2
Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ	8,8	7,7	8,7	8,6


Ушбу келтирилган маълумотларни ўрганиш натижасида табиий ресурс солиқларининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши борасида умумий хулосага келиш мумкин бўлса-да, уларнинг ўзгариш даражаларига тўғри баҳо бериш имкони мавжуд эмас.

Жумладан, давлат бюджети даромадлари таркибидаги ўзгаришларга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:


- *давлат бюджети даромадлари умумий ҳажмининг ўзгариши;*
- *давлат бюджети даромадлари таркибида ҳар бир солиқ улушининг ўзгариши;*
- *солиқ турлари бўйича олдиндан тўланган ва боқиманда суммаларининг ўзгариши ва бошқалар.*

Демак, табиийки давлат бюджети даромадлари таркибида табиий ресурс солиқлари улушининг ўзгаришига ҳам юқорида қайд этилган омиллар таъсир кўрсатган.

Республикамизда ер қаридан  
фойдаланганлик учун солиқ ер ости  
бойликларининг **53** турига нисбатан  
белгиланган бўлсада, бюджетга  
солиқ тушуми фақатгина **4-5** турдаги  
ер ости бойликларига мутлоқ  
равишда боғлиқ бўлиб қолмоқда.



**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини асосий ер ости бойликлари бўйича шаклланиши (фоизда)**



**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ  
суммасини ҳудудлар бўйича тақсимоти**



Солиқ кодексининг 242-моддасига мувофик,  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

- конларни аниқлаш ва қидириш;
- фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;
- минерал хом ашёдан ёки техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга ошираётган;
- фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилардир.

**Ер қаъридан фойдаланувчилар  
қуйидагиларни тўлайдилар  
(Ўз Р. С.Книнг 242-моддаси)**

Ер қаъридан  
фойдаланганлик учун  
солиқ

Қўшимча  
фойда солиғи

Бонус (имзоли ва  
тижоратбоп  
топилма  
бонуслар)

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

Ер қаъридан  
фойдаланганлик учун  
солиқни тўловчилар  
Ўз Р. С.К. 243-модда

Ер қаъридан фойдали қазилмаларни  
кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан  
ва (ёки) техноген минерал  
ҳосилалардан фойдали  
компонентларни ажратиб олаётган ер  
қаъридан фойдаланувчилар

Фойдали қазилмалардан фойдали  
компонентларни ажратиб олган ҳолда  
уларни қайта ишлашни амалга  
ошираётган ер қаъридан  
фойдаланувчилар

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР


Солиққа тортиш мақсадида **ер ости бойликлари** деганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қазиб олиш мумкин бўлган макон, **фойдали қазилмалар деганда** - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади.

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

Таркибида рангли, нодир, асл, қора металллар ва бошқа минерал хом ашё бўлган рудаларни бир корхона қазиб олиб, уни бундан кейин қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), қазиб олинган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Масалан, Олмалик мис қазиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган, қазиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатининг мис эритиш заводида топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган. Мазкур ҳолатда рудани қазиб олувчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Республикамизда ушбу солиқнинг асосий қисмини давлат бюджетига таъминлаб берувчи энг йирик солиқ тўловчилар бўлиб, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, Навоий кон металлургия комбинати, Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари, Шўртан ва Муборак газни қайта ишлайдиган заводлари, Навоий олтинни қайта ишлайдиган корхона шунингдек, Ангрен кўмир қазиб олувчи корхона ва бошқа шу каби ер ости бойликларини қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар ҳисобланади.

# СОЛИҚ ОБЪЕКТИ



## СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

# Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ

Солиқ солинадиган объект номи	Солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан фоизда
<b>1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар олиниши учун</b>	
<b>Энергия манбалари:</b>	
Табиий газ	30,0
Утилизация қилинга табиий газ	9,0*
Ер остидан қавлаб олинган газ	2,6
Нобарқарор газ конденцати	20,0
Нефть	20,0
Кўмир	4,0
<b>Рангли ва ноёб металлар:</b>	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулоти	4,0
Концентратланган қўрғошин	4,0
Метал рух	4,0
Вольфрам концентрати	10,4
Уран	10,0**



# Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ

<b>Асл металллар:</b>	
Олтин	5,0
Кумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зеб-зийнат учун тошлар хом-ашёси	24,0
<b>Қора металллар:</b>	
Темир	4,0
<b>Кон-кимё хом ашёси:</b>	
Тош (овқатга ишлатиладиган) туз	3,5
Калий тузи	3,5
Натрий сульфати	3,5
Фосфоритлар (графитларга)	5,0
Карбонат хом-ашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,5
Глауконит	3,5
Минераль пигментлар	4,8

# Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ

<b>Кон-руда хом-ашёси:</b>	
Плавик шпатли концентрат	21,2
Табиий графит	8,0
Иккиламчи бойитилмаган кулранг каолин	7,9***
Кварц – дала шпати хом ашёси	6,5
Шиша хом ашёси	3,0
Бентонитли гил	4,8
Тальк ва тальк тоши	4,0
Талькомагнезит	4,0
Минерал буёқлар	5,7
Воллостанит	4,0
Асбест	4,0
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	4,0
Барит концентрати	4,0

## Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ

<b>Металлургия учун норуда хом ашёси:</b>	
Ўтга чидамли, қийин эрувчан, қолиблаш гили	4,0
Оҳактошлар, доломитлар	4,0
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш қумлари	4,0
Вермикулит	4,0

# Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ

<b>Норуда қурилиш материаллари:</b>	
Цемент хом ашёси	3,5
Табиий безактошдан блоклар	3,5
Мармар ушоғи	3,8
Гипс тоши, ганч	5,3
Керамзит хом ашёси	3,5
Ғишт - черепица (кумоқсимон, лёссимон жинслар, зичловчи сифатида лёсслар, қумлар ва бошқалар)	3,5
Гипс ва ангидрит	4,0
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	3,8
Қурилиш кумлари	4,0
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майда тошлар, шағал	4,0
Қумтошлар	3,5
Чиғаноқ оҳактош	3,5
Сланецлар	3,5
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (мергеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	3,5

## Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ

**Изоҳ:** \*)Белгиланган ставка бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибда утилизация қилинган табиий газни реализация қиладиган корхона томонидан тўланади.

\*\*)“Навоий КМК” ДК уранни кавлаб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда тўлайди.

\*\*\*)Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ белгиланган ставка асосида реализация қилинган маҳсулот ҳажмидан келиб чиқиб тўланади.

## 246-модда. Солиқ даври.

### Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври қуйидагилардир:

- юридик шахслар учун - йил чораги;
- жисмоний шахслар учун - календарь йил.

247-модда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

## 247-модда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

- юридик шахслар томонидан — ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг **25-кунидан кечиктирмай**, йил яқунлари бўйича эса **йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда**;
- жисмоний шахслар томонидан — йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг **1 февралидан кечиктирмай**.



**247-модда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби**

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан — **ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай;**
- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар томонидан — **ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдана кечиктирмай.**

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ!**